



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 23 ноябрь, № 249 (8592)

Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Вазир ал-Гаргавий давлатимиз раҳбарига Амирликлар Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва мамлакат вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактум ҳамда вице-президент Шайх Мансур Ол Наҳаённинг саломини ва энг эзгу тилақларини етказди.

Сўхбатда икки томонлама муносабатлар кун тартибидagi долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги кўп қиррали алоқалар юқори суръатда ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳамда қўшма корхона ва лойиҳалар сони барқарор ошиб бормоқда.

Қабул қилинган "Йўл харитаси" доирасида, шу жумладан, давлат бошқаруви самардорлигини ошириш, бошқарув кадрларини тайёрлаш ва рақамли ҳукуматни ривожлантириш бўйича қўшма дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Қарийб мингта семинар, форум ва ўқув курслари ўтказилиб, уларда 2 миллион нафаргача мутахассисимиз малака оширди.

Учрашувда самарали бошқарув, савдо салоҳиятини ривожлантириш, шаҳарлар инфраструктурасини модернизация қилиш, юксак технологиялар, сунъий интеллект ва бошқа йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Президенти АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 23-24 ноябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Боку шаҳрида БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитида иштирок этади.

Тадбир кун тартибидан дастур доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, минтақавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Мақсадли фонд ташкил этиш, транспорт йўлақларини рақамлаштириш учун "Йўл харитаси"ни қабул қилиш, ишбилармонлик ташаббусларини илгари суриш ва бошқа масалалар ўрин олган.

СПЕКА дастури минтақа мамлакатларининг иқтисо-

дий ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда уларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига кўмаклашиш мақсадида 1998 йил 26 март куни Тошкент декларациясига мувофиқ таъсис этилган. Иштирокчи давлатлар — Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон.

Шу кунларда Боку шаҳрида СПЕКАнинг қатор ишбилармонлик тадбирлари, шу жумладан, иқтисодий форум ва Марказий Осиё мамлакатларининг sanoat салоҳияти кўргазмаси ўтмоқда.

Ў.А.

Марказий Осиё иқтисодий тараққиёти кафолати

БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури БИРИНЧИ САММИТИ



2023 йил 24 ноябрь, Боку шаҳри

23-24 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Озарбайжонда бўлади ва Боку шаҳрида ўтказиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури (СПЕКА) йиғилишида қатнашади.

БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури (СПЕКА) 1998 йил 26 мартда иштирокчи давлатлар — Озарбайжон, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон томонидан имзоланган Тошкент декларацияси билан таъсис этилган.

СПЕКАнинг асосий вазифаси минтақадаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш, иштирокчи мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётга интеграциялашуви ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришиш учун трансчегаравий ҳамкорлик платформасини тақдим этишдир.

Бошқарув кенгаши СПЕКА қарорларини қабул қиладиган олий раҳбарлик органи ҳисобланади. У вазирлар ёки вазир ўринбосарлари даражасидаги миллий координаторлардан ҳамда БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭС) ҳамда Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссиянинг (ЭСКАТО) ижрочи котибларидан иборатдир.

СПЕКАга аъзо мамлакатлардан бири Бошқарув кенгашининг раиси ҳисобланади. Раислик қилаётган мамлакат ҳар йили навбатма-навбат, одатда бир йиллик муддатга сайланади. Қарорлар консенсус асосида қабул қилинади.



ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИНГ ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамиятида бўлиб, энергетика тизимининг қиш мавсумига тайёргарлиги билан яқиндан танишди.

Йил бошида келган аномал совуқдан хулоса қилиб, тизим салоҳияти оширилди. Аввало, ички имкониятлар тўла ишга солиниб, тармоқлар модернизация қилинди. Қолаверса, хорижий шериклар билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Муассаса, корхона ва тураржойлардаги долзарб масалалар ўрганилиб, бартараф этилди. Бу ишлар ҳар бир маҳаллагача етиб борди.

— Бу йил энергетика тизимини яхшилашга барча манбалардан 14,5 триллион сўм ажратдик. Қандай ҳолатда бўлсин, техника керак бўлса, олиб берилди. Энди соҳа раҳбарлари масъулиятни тўлиқ зиммасига

олиб, аниқ режа қилиши ва энергия етказиб бериши кафолатли таъминлаши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилнинг ўтган даврида 675 мегаваттлик электр қувватлари ишга тушди. Республика бўйича 100 та подстанция, 11,5 мингта трансформатор ва 34 минг километр тармоқлар янгиланди.

Аҳоли ва корхоналарни табиий газ билан барқарор таъминлаш мақсадида қўшимча 5 миллиард куб метр кафолатли газ манбалари ҳал қилинди. Ер ости омборларида етарлича газ захираси жамланди.

Президентимиз совуқ кунларда энергия ресурсларига бўлган талабни кафолатли таъ-

минлаш бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботини эшитди. Энергетика вазири ажратилган маблағ эвазига жорий йилда қилинган ишлар ва яратилган захира, кунлик истеъмол ва уни таъминлаш мўлжаллари тўғрисида ахборот берди.

Қайд этилганидек, энергетика тизими 1 декабрдан 24 соатлик иш тартибига ўтади. Яқин ойлarda 1 минг 700 мегаваттлик 8 та қуёш ва шамол электр станцияси, Сирдарёда 500 мегаваттлик газ турбинаси ишга туширилади. Сурхондарёдаги Шарғун қониди 900 минг тонна кўмир қазиб чиқариш бошланади.

Ў.А.

Мулоқот

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АМАЛИЙ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон — Хитой алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб, янги амалий механизм билан тўлдирилмоқда ва ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилмоқда.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Юй Цзюнь билан бўлиб ўтган учрашувида айтиш мумкин бўлган алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармолавий, маданий-гуманитар, туризм ҳамда бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган мулоқотлари, ўзаро ташриф ва учрашувлари натижасида халқларимиз ўртасида турли соҳалардаги алоқалар мутлақо янги босқичга чиқди.

Савдо-иқтисодий йўналишдаги шерикликда ижобий кўрсаткичлар қайд этилиб, жорий йил бошидан (январь — август) ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 36 фоизга ўсди. Кўрсаткичларни янада яхшилаш учун имкониятлар етарли экани, нафақат ҳукуматлар даражасида, балки ҳудудларо ҳамкорликни ҳам кенгайтириш лозимлиги қайд этилди.

Парламентларо алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашнинг амалий механизми эканлигиндан келиб чиқиб, Олий Мажлис ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши ўртасидаги муносабатларни янада жадаллаштириш, бунинг учун фаол саяё-ҳаракатларни олиб бориш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, мулоқот давомида фан, таълим ва маданий-гуманитар йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ОЧИҚЛИККА АСОСЛАНГАН ЁНДАШУВ

Кеча Туркменистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Шадурди Мередов Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг элчи Ш. Мередов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув

Унда таъкидланганидек, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Эътиборлики, 2017 йил 6 мартда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва 2022 йил 21 октябрда имзоланган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация икки томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилмоқда.

Давлатимизнинг очик ва прагматик ташки сиёсати, икки қардош халқ ўртасидаги дўстона алоқалар ҳамда ўзаро ишонч мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг муҳим омилли ҳисобланади. Бунинг амалий ифодасини олий даражадаги ўзаро ташриф-

лар сони ортганлигида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган йил июль ҳамда сентябрь ойларида, шунингдек, жорий йил ноябрь ойида Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга расмий ва давлат ташрифлари бўлиб ўтди.

Икки давлат раҳбарлари томонидан кун тартибидagi долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинди, ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига баҳо берилиб, салмоқли ютуқлар қайд этилди. Хусусан, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ҳамда вазифаларни амалга ошириш, алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш, қўллаб-қувватлаш стратегик шериклик бўйича тажриба алмашиш борасида келишувларга эришилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари ўртасида ўзаро ишонч муносабатлари икки томонлама ҳамда минтақавий форматда, шу жумладан, парламентларо йўналишда муваффақиятли ривожланиш

бораётган кўп қиррали ҳамкорлик учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Элчи Шадурди Мередов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган дунё мамлакатлари билан ҳамкорлик сиёсати, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги саяё-ҳаракатларни юқори баҳолади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон чуқур ижобий ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий либерализация йўлидан дадил бораётгани таъкидланди. Хусусан, жорий йилда умумхалқ референдуми асосида мамлакат Конституцияси янги тахрирда қабул қилингани, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белги-ланган вазифалар доирасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашувда икки томонлама ҳамкорликни, хусусан, парламентларо ва халқаро парламент ташкилотлари доирасидаги шерикликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар ўзаро кўришган бошқа масалалар бўйича ҳам фикр алмашди.

«Халқ сўзи».

Эксклюзив интервью

БОШ МОЛИЯВИЙ ҲУЖЖАТ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Геосиёсий нобарқарорликлар, глобал иқтисодий ўсишдаги тебранишларнинг салбий таъсири кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкор давлатларида иқтисодий ўсиш суръати секинлашиб кетмоқда. Бундай ташқи омиллар таъсири мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўллаш ижтимоий-иқтисодий ислохотларни олиб бориш, барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда айрим муаммоларни келтириб чиқараётгани сир эмас.

Шунга қарамадан, кун кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида қабул қилинган «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида»ги қонунда кўзда тутилган консолидациялашган бюджет даромадлари ва харажатлари, бюджет даромадларини шакллантириш ҳамда харажатларини амалга ошириш бўйича белги-ланган аниқроқ қилиб айтганда, давлатнинг ўзига олаётган мажбуриятлари, тез суръатларда

ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган хусусиятларни ўзида акс эттираётганини кузатишимиз мумкин.

Мухбиримиз келгуси йил учун қабул қилинган Давлат бюджетининг асосий параметрлари, муҳим жиҳатлари ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Шарофиддин НАЗАРОВ билан сўхбатлашди.

3-саҳифага қаранг.

ГЛОБАЛ ФОРУМГА ҲОЗИРЛИК ҚАНДАЙ КЕТАПТИ?

Олий Мажлис Сенатида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик бўйича II глобал форумнинг ташкилий қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатида

Унда ташкилий қўмита, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)ни назорат қилиш бўйича парламент комиссияси аъзолари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Йиғилишни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Маълумки, мамлакатимизда БРМга эришиш борасида улкан ислохотлар

амалга оширилмоқда, халқаро майдонда илгор ташаббуслар илгари суриляпти. Натижада Ўзбекистон бу борада дунёга намуна сифатида кўрсатилаётган. Мазкур йўналишдаги ишларни давом эттириш мақсадида жорий йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонда илк мартаба Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлги ташкил этилди. Ушбу ойлк 30 ноябрь кун Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент-лараро ҳам-

корлик бўйича II глобал форум билан ўз якунига етади. Шуфзали анжуманда юзга яқин хорижий парламентлар раҳбарлари, халқаро ташкилот вакиллари, чет эллик экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашиши кутилмоқда. Йиғилиш давомида II глобал форумга тайёргарлик ишларининг боғлиқ ташкилий масалалар, анжуман кун тартиби, унинг мазмуни хорижий мамлакатлар делегациялари билан икки томонлама учрашувлари ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Айни чоғда ушбу анжумани юқори савияда ташкил этишга масъул ва-

зирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги белгилаб олинди. Шунингдек, мажлисда форум якуни бўйича қабул қилинадиган Тошкент коммюникеси ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти иштирокини кенгайтириш тўғрисидаги"ги резолюцияси лойиҳасини пухта ва мукамал тайёрлаш, ушбу ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан барча давлат органи, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хорижий экспертлар фикрларини умумлаштириш вазибалари кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Тадбир

ФАОЛ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ХИЗМАТЧИЛАРИ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Поитахтимизда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбар ҳамда масъуллари, давлат фуқаролик хизматчилари, журналистлар иштирокида "Ўзбекистон давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш" дастури совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, давлат бошқаруви ва давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, бу борада илгор чет эл тажрибасини ўрганиш ҳамда жорий қилиш мақсадида Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати билан ҳамкорлик дастури олиб борилмоқда. 2022 йил 11 апрелда Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш тўғрисида ағлашув меморандуми имзоланган.

Анжуманни қириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов тадбирда Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий жаноблари ва бошқа ҳукумат вакиллари қатнашаётганини қайд этди. БАА Ўзбекистоннинг Кўрғаздаги энг муҳим шерикларидан бири. Ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва БАА Президенти Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаёнинг сиёсий иродаси билан икки томонлама муносабатлар кенг қамровли ҳамкорлик даражасига кўтарилди.

БАА Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий ўз сўзида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганини эътироф этди.

Дарҳақиқат, давлат бошқаруви ва давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш соҳасида БААнинг ривожланиш тажрибаси асосида "Ўзбекистон давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш" дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги масъул ходими Севара Зокированинг айтишича, лойиҳа Президент ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан БАА Бош вазири офиси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Дастур мамлакатда давлат бошқаруви ҳамда давлат хизмати самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган бўлиб, мамлакатнинг миллий ривожланиш дастури, соҳавий стратегияларнинг ижросини таъминлашда юқори кўрсаткичларни қайд этган давлат органлари ва давлат хизматчиларини муносиб рағбатлантириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Дастурда жорий йилнинг август ойида 17 та вазирлик ҳамда уларнинг 70 нафар-

дан ортик ходимлари саккизта номинация бўйича иштирок этди. Тақдим қилинган аякеталарни дастурга мувофиқ баҳолаш мақсадида БААдан 36 нафар малакали мутахассис жалб этилди. Баҳолашда стратегик мақсадларни амалга ошириш, кадриятлар, ресурсларни яратиш имкониятлари инобатга олинди.

Якуний натижаларга кўра, "Намунали вазирлик" номинациясида Адлия вазирлиги 1-ўрини, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2-ўрини, Рақамли технологиялар вазирлиги 3-ўринини эгаллади. "Стратегик мақсадларни амалга ошириш" йўналишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-ўрини, Рақамли технологиялар вазирлиги 2-ўрини, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 3-ўринини қўлга киритди.

Шунингдек, "Функция, хизмат ва инновацияларни амалга ошириш" номинациясида Адлия вазирлиги 1-ўрини, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2-ўрини, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 3-ўрини эгаллади. "Интеграциялашган мезгилдаги соҳасидаги намунали вазирлик" номинациясида Адлия вазирлиги 1-ўринга, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2-ўринга, Маданият вазирлиги 3-ўринга лойик, деб топилди.

Бундан ташқари, "Энг яхши ташаббус", "Энг яхши лойиҳа" номинациялари ғолиблари ҳам аниқланди. "Қишлоқ хўжалиги холдинглари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш" лойиҳаси билан қишлоқ хўжалиги вазирлигининг биринчи ўринбосари Азимжон Назаров, "Аму — Бухоро ирригация тизимини қайта тиклаш" лойиҳаси билан сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев, "Бир миллион Ўзбек дастурчилари" лойиҳаси билан рақамли технологиялар вазири ўринбосари Рустам Каримжонов ғолибликни қўлга киритди.

Тадбирда индивидуал номинациялар ғолиб ҳамда совриндорлари ҳам аниқланди. Бунда намунали вазир ўринбосари, намунали бошқарув ходими, муружаатлар билан ишлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича намунали ходим, намунали ихтисослашган ходим, намунали худудий бошқарма ходими аниқланди.

Ғолибларга ҳамкорларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

«Халқ сўзи».

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш:

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР АЛМАШИШДА ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА

Самарқанд шаҳрида "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон ва Ислон ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га аъзо мамлакатлар тажрибаси" мавзусида халқаро форум бўлиб ўтмоқда.

Форум

Айни йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда ўзаро тажриба алмашишга қаратилган ушбу форумда йигирмадан ортик давлатлардан қирқга яқин хорижий экспертлар, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда тузилмалари, ИХТга аъзо давлатларнинг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича шуғулланувчи масъул органлари раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

уларнинг амалий натижалари дунё ҳамжамияти томонидан эътироф қилинмоқда. Хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларимиз янада кенгайиб, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги ижобий имижини шаклланди.

Юзма-юз мулоқотларда ИХТга аъзо мамлакатларда оила институтини мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳасида хотин-қизлар фаолигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, гендер сибсатининг турли соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаш каби масалаларга эътибор қаратилди. Шуба мажлисларида шу каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўз навбатида, ИХТга аъзо давлатларнинг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг ролини оширишга қаратилган янги ташаббус ҳамда тақлифлар илгари сурилди. Истикболли лойиҳа ва дастурларни тайёрлашга хизмат қилувчи аниқ тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Форум бугун ҳам давом этиб, иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги тарихий бидалар, шунингдек, диққатга сазовор жойларга ташриф бурюади.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Каутар КРЕЙКО, Жазоир Миллий бирдамлик оила ва аёллар ишлари вазири:

— Форумда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Жазоирда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бердим. Жазоирнинг бу борадаги тажрибалари Ўзбекистон билан ўхшаш. 2020 йилдан бошлаб мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқларини кучли ҳимоя қилиш Конституциямизда белгиланган бўлибди. Юртимизда қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, аёллар ҳамда эркеклар учун меҳнат фаолияти олиб боришда бир хил шароит яратилган.

Бу борада Ўзбекистон тажрибасини қатъи қизиқиб билан ўргандим. Шунга амин бўлдимки, сўнгги йилларда юртимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар салмоғи кенг. Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйиллиши бўйича ўхшаш томонларимиз кўп экан. Умуман олганда, форум ИХТга аъзо давлатлар учун бирдек манфаатли. Тадбирнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилаётгани эса мазкур соҳадаги ютуқларининг халқаро миқёсдаги юксак эътирофи ҳамдир.

Мая МУРСИЙ, Миср Араб Республикаси Аёллар миллий уюммаси президенти:

— Биринчи марта Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда бўлиб турибман. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўзаро тажрибаларни айнан тарихий шаҳар — Самарқандда ўртоқлашаётганимиздан мамнунман.

Форум барчамиз учун самарали бўлмоқда. Боиси аёлларга муносиб яшаш, меҳнат қилиш шароитларини яратиш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш бўйича ўзаро фикр алмашишда ушбу анжуман қулай платформадир.

Анжуманда "Аёллар етакчилиги ва қарорлар қабул қилишдаги ўрни — барқарор тинчлик ва тараққиёт калити" мавзусида маъруза қилдим. Айни йўналишда мамлакатимиз тажрибаси хусусида сўз юритдим.

Шу маънода, мазкур форум ташкилотнинг ИХТга аъзо давлатларда тизимни янада такомиллаштириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Сенат қўмиталарида

ЯЛПИ МАЖЛИСГА КИРИТИЛИШИ КУТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ МУҲОКАМАСИ



Давлат активларини сотишда янги имконият берилади

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида "Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Унда сенаторлар, экспертлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этиб, муҳокамадаги қонун 2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилгани ва иқтисодийда давлат иштирокини асосланган даражагача қисқартиришга ҳамда инвестиция муҳитини тубдан яхшилашга қаратилгани қайд этилди.

Қонунни ишлаб чиқишда соҳадаги халқаро тажриба ўрганилгани ҳамда ушбу қонун нормалари ҳозирги маъмурий ислохотлар ва янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эканлиги таъкидланди. Хусусийлаштиришнинг қонунийлик, очиқлик, шаффоқлик, ҳисобдорлик ва тенг рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда коррупцияга йўл қўймайлиқ ушбу қонуннинг асосий принциплари сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, унда янги меъёрлар киритилиб, давлат активларини сотишда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти, тўловларни амалга ошириш тартиби ва шартлари белгиланмоқда ва балансда сакловчи жавобгарлиги кучайтирилиб, хатлов комиссияси институти бекор қилинмоқда.

Мажлисида қонуннинг қабул қилиниши хусусийлаштириш жараёнларида тенг рақобат муҳитини яратиши, юртимиз иқтисодийотини ривожлантириши, хусусий мулкчилик ва унинг ҳимоясини таъминлашга йўл очиши айтиб ўтилди.

Мажлис сўнгида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Халқаро шартномаларни ратификация қилишга доир қонунлар — муҳокама марказида

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм ма-

Парламент юқори палатасининг бир қатор қўмиталари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши кутилаётган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

салалари қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, қўмита ҳузуридаги экспертлар кенгаши аъзолари ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Италия Республикаси ўртасидаги қатор халқаро шартномаларни ратификация қилиш ҳақидаги қонунлар муҳокама марказида бўлди.

Сенаторлар томонидан икки мамлакат муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилаётгани, тилга олинган ушбу халқаро шартномаларда ҳар бир томон уларнинг қондаларига мувофиқ ва бошқа томоннинг сўровига биноан ўз худудиди аниқланган ҳамда бошқа томон тарафидан қидирлаётган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки бундай шахсларга нисбатан чиқарилган ҳужумни ижро қилиш учун бир-бирларига ушлаб бериш асослари ва шартлари кўрсатиб ўтилгани қайд этилди.

Шунингдек, қўмита йиғилишида 2024 йил Давлат бюджети лойиҳаси кенг муҳокама қилинди. Сенаторлар томонидан мазкур молиявий ҳужжатнинг асосий параметрларига эътибор қаратилди. Хусусан, махсус иқтисодий зоналарнинг инфратузилмаларини барпо этиш, миллий экспортчиларни қўллаб-қувватлаш ва туризм соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган маблағларнинг мақсадли ўзлаштирилишига ургу берилди.

Қонунчилик палатаси сайлови аралаш тизим асосида ўтказилади

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун муҳокама қилинди.

Маълумки, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида долзарб йўналишлар бўйича мақсадлар белгиланган. Улардан бири — янги Ўзбекистонни барпо этишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада оширишдан иборат. Унда демократик исло-

хотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш мақсадида вакиллик органларига сайловнинг аралаш (мажоритар, пропорционал) тизимини жорий қилиш вазифаси белгиланган.

Янги қонун билан Қонунчилик палатаси сайлови аралаш (мажоритар, пропорционал) сайлов тизими асосида ўтказилиши белгиланмоқда. Унга кўра, сайлов округлари бир мандатли ва ягона сайлов округларига ажратилиши, Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари пропорционал сайлов тизими (партия рўйхати) асосида сиёсий партияларга берилган овозлар бўйича ягона сайлов округидан сайланиши назарда тутилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси беш йиллик муддатга сайланиши, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортик Марказий сайлов комиссиясининг Раиси этиб сайланиши мумкин эмаслиги ҳам қатъий белги-ланяпти.

Шунингдек, мажлисида "Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳамда "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Оилавий тадбиркор беш нафаргача доимий ишчини ёллаши мумкин бўлади

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун чуқур таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Буни соҳа қонунчилиги замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб борилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Сенаторлар томонидан муҳокама қилинган қонун ҳам ҳаётий зарурат самарасидир.

Маълумки, амалдаги қонунчиликда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари уч нафаргача доимий ишчини ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси

тузишга ҳақли экани белгиланган. Бу оилавий тадбиркорлик субъектларига иш ҳажми ва фаолият қўламини оширишда муайян муаммоларни келтириб чиқараётган.

Янги қонунга кўра, оилавий тадбиркорлик субъектлари энди уч нафар эмас, балки беш нафаргача доимий ишчини ёллади, улар билан меҳнат шартномаси тузади ва пировардида ўз фаолиятини янада ривожлантириши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, Божхона кодексининг 297-моддаси иккинчи қисмига нодавлат спорт-таълим ташкилотларини божхона божини тўлашдан озод қилишни назарда тутувчи қўшимча киритилаётгани сенаторлар томонидан қайд этиб ўтилди. Бу каби янги норманинг киритилиши тарбия ва спорт соҳасида нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни саралаш (селекция) ҳамда уларни тайёрлашда давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратди.

Агентлик вазибалари Адлия вазирлигига юклатилмоқда

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб "Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адлия органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиши соддалаштириш, шунингдек, МДХ иштироки-давлатларининг сохта товар белгиларининг олдини олиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Минск, 2021 йил 28 май) ратификация қилишга оид қонун асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун билан Интеллектуал мулк агентлиги вазибалари Адлия вазирлигига юклатилмоқда. Интеллектуал мулк объектлари бўйича давлат экспертизасини ўтказувчи ваколатли ташкилот сифатида Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Интеллектуал мулк маркази" давлат муассасаси белгиланмоқда.

Шунингдек, товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш муддатини қисқартириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга жарима қўллаш, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жа-

вабгарликни қўллаш ваколатлари адлия органларига ўтказилаётган.

Сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Ваколатлар қайси давлат органларига ўтказилапти?

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси мажлисида дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига республика ижро этувчи ҳокимият органларининг номларни мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун таҳлил назаридан ўтказилди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун билан амалдаги қатор нормалар янги таҳрирдаги Бош қонунимизга мувофиқлаштирилмоқда. Айни чоғда тугатилган, қайта ташкил этилган ва ташкилий бўйсунуви ўзгарган давлат органларининг ваколатлари қайси давлат органларига ўтказилганлиги аниқлаштирилипти.

Президентимизнинг тегишли Фармонида мувофиқ, "O'ztextreyd" ДУК тузилганлиги сабабли "Давлат божи тўғрисида"ги, "Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларга ўзгаришлар киритилаётган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги ҳамда бошқа қатор қонунларга ўзгаришлар киритиш назарда тутилган.

Шунингдек, мажлисида Айдар-Арасой кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш ва сув ресурсларини бошқаришни рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан сув хўжалиги вазири-нинг ахбороти эшитилди.

Муҳокама жараёнида кўллар тизимининг истиқболдаги сув ҳажми ҳамда экологик ҳолатини моделлаштириш, сувнинг йиллик ўртача табиий йўқотилишига мос равишда чучук сув билан таъминлаш чорасини қўриш, туташ худудларда ҳимоя ўрмонзорларини барпо қилиш, табиий ва замонавий технологиялар асосида ба-ликлантириш чораларини қўриш, дарахт ҳамда буталарни қесил, муҳофазат зоналарини турли чиқиндилар билан инфофлантириш, ноқонуний балиқ овлан каби ҳолатларга чек қўйиш, худудни ободонлаштириш каби масалалар юзасидан масъуларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

БОШ МОЛИЯВИЙ ҲУЖЖАТ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



моқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш, суғориш каналларини бетонлашга 1,7 трлн. сўм маблағ ажратиш назарда тутилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни қандай кечди? Шу ҳақда ҳам ўз фикрларингизни билдириб ўтсангиз.

— Бу йилги Давлат бюджетни қонун лойиҳасининг муҳокамаси олдинги йиллардагидан тубдан фарқ қилади. Энг аввало, шунинг эътирофи керакки, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига олдинги йиллардагига нисбатан эртароқ тақдим этилди. Бу эса қўймак томонидан ўтказилган йиғилишларда қонун лойиҳасини мазмунли муҳокама қилиш имконини берди. Фракцияларда ҳам депутатлар лойиҳани шойилмасдан, батафсил кўриб чиқиди.

Қонун лойиҳасининг биринчи ва иккинчи ўқиш оралиғида бўлиб ўтган йиғилишларда депутатлар томонидан 100 дан ортиқ саволлар берилди. Уларнинг бирортаси ҳам жавобсиз қолгани йўқ. Ҳукумат томонидан белгиланган ишчи гуруҳи, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан саволларга батафсил жавоблар олинди. Бу, албатта, вазирлик ва идораларнинг Давлат бюджетни муҳокамаларига катта масъулият билан ёндашганлигини кўрсатади.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси махсус ишчи гуруҳи билан биргаликда бюджет маблағларини режалаштириш, улардан фойдаланиш натижадорлигини ошириш ҳамда бюджетларро муносабатларни такомиллаштиришга оид депутатлар томонидан билдирилган тақлифлар бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан алоҳида муҳокамалар ўтказди. Ҳар бир биринчи даражали бюджет тақсимловчилар, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ҳўжалиги, сув ҳўжалиги, маданият ва бошқа соҳалар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг масъуллари иштирокида бюджет параметрлари таҳлил қилинди. Ҳар бир депутатнинг берган саволлари ёки кўтарган масалаларига оидинлик киритилди.

Бюджет кодексига кўра, Давлат бюджетни тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламентга киритилишидан олдин лойиҳа бўйича Ҳисоб палатасининг хулосаси олинади. Муҳокама жараёнида ушбу хулоса бўйича ҳам депутатлар томонидан бир қанча фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Улардан етарлича асосланган тақлифларни Солиқ ва Бюджет кодексларида акс эттириш масаласини алоҳида кўриб чиқишга келишиб олинди.

— Бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамаларида депутатлар қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратди?

— Энг аввало, шунинг эътирофи керакки, депутатларимизнинг Давлат бюджетни муҳокамасига бўлган ёндашуви тақомилига етиб бормоқда. Олдинги йиллар муҳокамаларида халқ вакиллари кўпроқ ҳаражатлар билан боғлиқ айрим соҳа ва йўналишларга ажратилган маблағлар бўйича қизиқиш билдирар эдилар.

Бу сафар бюджет даромадларининг шаклланиши билан боғлиқ омишлар, солиқ ставкаларининг қўлай тадбиркорлик муҳитини сақлашга таъсири, қўйилган қиймат солиғи заنجирини тиклашга қаратилган чоралар ҳамда айрим солиқ имтиёзларини бекор қилиш орқали иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва тадбиркорлар учун бозорларда тенг шароитлар яратиш каби масалаларга аҳамият қаратаётганлиги эътиборга молик.

Қонун лойиҳасининг концепцияси муҳокамасида (биринчи ўқишда) депутатлар Ҳукумат вакиллари олдида бир қатор саволлар қўйган эдилар. Хусусан, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқароларимизга шу жумладан, ноғиронлиги бўлган шахсларга уй-жой сотиб олишда ажратилаётган субсидиялардан самарали фойдаланиш, таълим соҳасида ўқитувчи ва тарбиячиларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш бўйича янги механизмлар ишлаб чиқиш, фуқаролар фойдасига компенсация тўловларини амалга оширишда суд қарорлари ижросининг тўлиқ таъминлини, автомобиль йўлларида фойдаланиш тар-

тибини такомиллаштириш, яъни йўл йиғимлари микдорини белгилашда оғирликка қараб дифференциация қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасида диагностика ва скрининг ўтказиш ҳаражатларини қайта кўриб чиқиш каби масалалар лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида батафсил ўрганildi.

Муҳокамаларда депутатлар даромадларини ошириш, солиқ базасини кенгайтиришга қаратилган чоралар ҳамда келгуси йилда кўзда тутилган бюджет маблағларидан фойдаланишда самарадорлик ва натижадорликни ошириш юзасидан ҳам тақлиф ва тавсиялар беришди. Мисол учун, деярли барча фракцияларда депутатларимиз “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш бўйича кўрилиши лозим бўлган чора ва тадбирлар ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Уринли эътирозлар ҳам бўлди. Ушбу масаланинг ўта долзарблигини ҳисобга олиб, Фискал стратегияни янгиллаш, айрим асосли тақлифларни эса Бюджет кодексига ва Солиқ кодексига тегишли ўзгаришлар киритиш жараёнида ўрганиб чиқишга келишиб олинди.

мақсадли жамғармаларига келгуси йил учун маблағлар режалаштирилган. Масалан, жорий йилда меҳнат миграцияси билан боғлиқ айрим ҳаражатларга 6 млрд. сўм режалаштирилган бўлса, 2024 йилда 5 млрд. сўм кўзда тутиляпти. Бунинг асосий сабаби, жорий йилнинг 9 ойлик якуни бўйича 2,5 млрд. сўм ишлатилган, холос. Агарда келгусида бундай ҳаражатлар учун маблағ талаб этилса, қўшимча молиялаштириш манбалари топиб берилиши маълум қилинди.

Яна бир эътибор қаратиладиган савол — 2024 йил бюджет лойиҳасида хусусий секторда ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлар учун 100 млрд. сўм кўзда тутилгани билан боғлиқ бўлди. Депутат Муборак Аҳмедова 2023 йилдаги нисбатан 3 баробар ҳам маблағ режалаштирилётгани сабаби билан қизиқди.

Айтиш ўринли, бу масала, ҳақиқатан ҳам, долзарб. Чунки сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, хусусий секторда

ган микдори 2023 йил учун ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизини ташкил этиши ўтган йили қабул қилинган қонунда белгиланган эди. Лекин шу ўтган даврда катта геосийсий ҳамда геоиқтисодий ўзгаришлар рўй берганлиги ва уларнинг миллий иқтисодиётимизга таъсири тўғрисида юқорида айтиб ўтилди. Давлат бюджетининг даромадлари иқтисодиётимизнинг ўсиш кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ.

Иқтисодиётимизга эса ташқи омишларнинг таъсири борган сари кучаймоқда ва бу табиий ҳол. Чунки биз очик бозор иқтисодиёти сари оидимиз. Ўтиш даврида ҳаттоки, тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларда ҳам тақчиллик 3, 4 айрим ҳолларда 5 фоизга етаётганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, иқтисодиётда ислохотларни давом эттириш, аҳоли даромадлари, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий мақсадлардан келиб чиқиб, тақчиллик битвоси баландроқ ушланаётганлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан етарлича асослаб берилди. Шунингдек, фискал рағбатлантириш

аҳолини қандли диабет ва диабетолди ҳолатлари учун мақсадли скрининг ўтказишни ушотиришга ажратиш кўзда тутилмоқда.

Депутатлар яна бир муҳим — маҳалларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, спорт майдончалари тозаланиши сақлаш ва атрофини ободонлаштириш бўйича ишларни тизимли йўлга қўйиш масаласига эътибор қаратишган эди. Буни қўймак томонидан ишчи гуруҳи билан биргаликда ўрганиб чиқиб, асосли, деб топди ва ушбу тадбирлар бўйича ажратилган маблағларни 54 млрд. сўмга кўпайтириш тақлиф қилинмоқда.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, айниқса, талаба ёшларни кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланишларига имконият яратиш бериш бўйича ишлар олиб борилаётган. Шу ўринда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс марказидан кенгаю кўндуз фойдаланиш бўйича муаммолар борлиги депутатлар томонидан асослаб берилди. Ушбу тақлифни ҳисобга олиб, ўқувчи ва ёшларга кутубхонадан кенгаю фойдаланиш учун қўлай шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳаражатларига қўшимча 1,2 млрд. сўм маблағ ажратилади деген бўлди.

Шунингдек, депутатлар кўтариб чиққан яна бир муҳим масала ўз ечимини топди. Яъни ҳудудлардаги чиқиндиларни тартибга солиш, аҳоли пунктларини ҳавонини ифлослантирувчи ҳар қандай чиқиндилардан тозалаш ва чиқиндилар таъсирида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш юзасидан комплекс чораларни кўриш мақсадида ажратилган маблағлар етарли эмас, деб топилди. Шунинг билан олган ҳолда қўшимча 66,4 млрд. сўм маблағ йўналтириш тақлифи депутатлар томонидан маъқулланди.

— Давлат бюджетни тўғрисидаги қонун — мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати. Қонундаги ўзгаришлар ва янгиликлар, умуман айтганда, унинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда депутатлик корпусининг ўрни қандай бўлмоқда?

— Албатта, бугунги кунда парламентда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш депутатларимиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан саналади. Шу боис ҳудудларда бўлганимизда, сайловчилар билан учрашувларда уларни ўйлантираётган долзарб масалаларга эътибор қаратган ҳолда, қонунларни кенг тушунириш беришга ҳаракат қилаямиз. Чунки бугун аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири. Зеро, сайловчиларимиз қонунларни қанчалик кўп билса, қанчалик яхши билса, уларнинг ҳуқуқлари изчил таъминланишига эришилади.

Шу нуктага назардан айтганда, Давлат бюджетни нафақат молиявий, шу билан бирга, муҳим ҳуқуқий, сиёсий ҳужжат ҳамдир. Унда мамлакатимиз тарққийетининг барча устувор йўналиш ва вазифаларини амалга оширишнинг молиявий манбалари акс эттирилган. Қабул қилинган бюджет тўғрисидаги қонун фуқароларнинг фаровонлигини янада ошириш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш учун хизмат қилади. Унинг маъқулланиши кўплаб муҳим жараёнларни, хусусан, маҳаллий бюджетларнинг масъулияти ва мустақиллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, жамоатчилик ва давлат институллари ўртасида самарали, кўп қиратли ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун асос бўлади.

Айтиш мумкинки, Давлат бюджетни тўғрисидаги қонун очиллик, шفافлик каби тамойиллар инobatга олинган ҳолда қабул қилинди, бу бўйича ОАВда кўплаб чиқишлар амалга оширилди. Ушбу жараёнда депутатларнинг, Ҳукумат аъзоларининг фаолиги сезиларли бўлди. Галдаги вазифа эса қонуннинг тарғиботини ҳудудларда самарали ташкил этиш ва фуқароларнинг хабардорлик даражасини оширишидир.

Албатта, буларнинг барчаси давлатнинг фуқаролар олдида ўз зиммасига олган барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа мажбуриятлари бажарилишига хизмат қилади. Пировавдида аҳоли фаровонлиги янада юксалади, яшаш тарзи яхшиланади.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи») сўхбатлашди.



“ Давлат бюджетни нафақат молиявий, шу билан бирга, муҳим ҳуқуқий, сиёсий ҳужжат ҳамдир. Унда мамлакатимиз тарққийетининг барча устувор йўналиши ва вазифаларини амалга оширишнинг молиявий манбалари акс эттирилган. Қабул қилинган бюджет тўғрисидаги қонун фуқароларнинг фаровонлигини янада ошириш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш учун хизмат қилади. ”

— Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида қонун лойиҳаси мунозараларида депутатлар томонидан ўртага ташланган саволлар нечоғли долзарб аҳамиятга эга? Бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, мажлисда қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишида муҳокамаси қўзғин кечди. Депутатлар томонидан кўтарилган масалалар юзасидан атрофлича тушуниришлар берилди. Яъни маънода, тортишувлар ҳам бўлди. Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Дониёр Ганиевнинг давлат мақсадли жамғармаларига режалаштирилган ҳаражатлар тарқиби ва микдорига оид саволни ўринли, деб айтиш мумкин. Депутат Ҳорижа меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни кўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ҳаражатлари тарқибида ҳаражатлар йилдан-йилга камайиб бораётганини мисоллар орқали қайд этди.

Масалан, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш маблағлари бу йилги 10 млрд. сўмдан келгуси йил учун 2,5 млрд. сўмга туширилган, яъни 4 баравар қисқарган. Ҳукумат вакиллари ушбу саволга атрофлича жавоб беришди. Қолаверса, бу масала қўймак, фракциялар йиғилишларида ҳам муфассал кўриб чиқилиб, таҳлил қилинган. Айтиш керакки, Давлат бюджетни ижросининг 9 ойлик якунлари таҳлилидан келиб чиқиб, давлат

сиёсати юритилаётганлиги ҳам маълум даражада бюджет тақчиллигига ўз таъсирини кўрсатади.

Бюджет бўйича Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселекторда ҳам молиявий интизомини кучайтириш ҳамда бюджет тақчиллигининг олдини олиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. 2025 йилда ушбу кўрсаткични 3 фоизга тушириш ва кейинги йилларда 3 фоиздан оширсанглик бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

— Шу ўринда депутатлар ташаббуси билан қонун лойиҳасига киритилган ўзгаришларга ҳам оидинлик қилсангиз.

— Депутатларимизнинг айрим асосланган тақлифлари қабул қилиниб, қонун лойиҳасига тегишли ўзгаришлар киритилди. Улардан айримлари эътиборингизни қаратмоқчиман.

Қонун лойиҳасининг биринчи ўқишида депутатлар томонидан юк кўтариш қуввати 10 тоннадан ортиқ машиналар учун бир хил микдорда эмас, балки юк кўтариш қувватининг оғирлигидан келиб чиқиб, йиғимнинг табакалаштирилган ставкаларини жорий этиш тақлиф қилинган эди.

Ушбу тақлиф атрофлича ўрганилиб, юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган автотранспорт воситалари учун юк кўтариш қуввати 10 тоннадан 25 тоннагача бўлганда 5 базавий, 25 тоннадан 35 тоннагача бўлганда 8 базавий, 35 тоннадан юқори бўлганда 10 базавий ҳисоблаш микдориди йиғим ундирилиши белгиланди.

Шунингдек, депутатлар томонидан тарққийетининг молиявий натижаларига таъсирини инobatга олинган ҳолда энергетик ичимликларнинг 1 литри учун 2000 сўм микдориди акциз солиғи солиниши кўзда тутилмоқда.

Муҳокамаларда, шунингдек, депутатларимиз соғлиқни сақлаш тизими бўйича ҳам бир қанча тақлифлар билдирган эди. Ушбу тақлифларни мутаасадди вазирлик ва идоралар билан ўрганишимизда депутатларимиз тўғри масала кўтарганига амин бўлди. Уларни ҳисобга олган ҳолда соҳага ажратилаётган маблағлар 25,8 млрд. сўмга кўпайтирилмоқда. Шундан 11,8 млрд. сўми аҳоли орасида вирусли гепатитнинг “С” ва “В” турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш ишларини ташкил этишга қаратилади. Қолган 14 млрд. сўми эса 40 ёшдан ошган

Хабарлар

«Устозлар боғи» ташкил этилди

«Яшил макон» умумийлик лойиҳаси доирасида Фурқат туманидаги таълим муассасалари раҳбарлари ташаббуси билан 17-мактабда «Устозлар боғи» барпо этилди.



Кўчат экиш тадбирида туман фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари, ўқитувчилар қатнашиб, таълим масканларини кўкаламзорлаштириш, кўчат экиш, яшил худудлар ташкил этиш ишларини янада кенгайтириш бўйича келишиб олишди.

— Дастлабки куннинг ўзида «Устозлар боғи»га яши ниёт билан 250 туп мевали дарахт кўчати экилди, — дейди Фурқат тумани мактабга ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Ортиқов. — Шунингдек, тадбир доирасида тумандаги 79 та таълим муассасасида яшил макан барпо қилиш мақсадида қарийб 2,5 минг туп манзарали дарахт кўчатлари тарқатилди.

Шу тариқа таълим даргоҳлари яшил худудларида эндиликда япон софораси, заранг, акация, чинор, қарағай, қора арча, назма-так, катальпа сингарии манзарали ҳамда мевали дарахтлар барқ уриб яшнайди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Мураккаб жарроҳлик амалиётлари

Шу йилнинг октябрь ойида Қозон шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги худудлараро ҳамкорликнинг III форумида икки мамлакат соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида бир қатор келишувларга эришилган эди.



Ҳамкорлик режасига кўра, Сирдарё вилоятига татаристонлик травматолог, ортопед ва торакал жарроҳлардан иборат делегация ташриф буюрди.

— Россиялик тажрибали мутахассислар иштирокида бепул тиббий куриқлар ташкил этилиб, касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ҳамда соғлом турмуш тарзи тарғиботи бўйича мулоқотлар ўтказилди, — дейди Гулистон тиббиёт кластери нейротравматология бўлими бошлиғи Севара Отаева. — Шунингдек, ўзаро ҳамкорликда бир неча аънавий ҳамда юқори технология жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли бажарилди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда вилоятда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказиш борисида қувонарли ютуқларга эришилди. Натижада халқимизнинг аввалгидек пойтахт ёки хорижга боришига ҳожат қолмади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Марказий Осиё иқтисодий тараққиёти кафолати

Хозирги пайтда Озарбайжон СПЕКАга раислиқни бажармоқда.

СПЕКА иқтисодий форуми ҳар йили ташкил этилади, унда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга кўмаклашадиган минтақадаги иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорликнинг алоҳида стратегия масалаларига асосий эътибор қаратилади. Форум барча манфаатдор томонлар ўртасида юқори даражадаги сиёсий мулоқот учун платформа бўлиб хизмат қилади ва СПЕКА Бошқарув кенгаши учун аниқ тавсияларни ишлаб чиқади.

2021 йил 17 — 19 ноябрь кунлари Тошкентда Бошқарув кенгашининг 16-йиғилиши гибрид форматда бўлиб ўтди. Унинг якунлари бўйича СПЕКА масалаларининг кенг доирасини қамраб олган ўндан ортиқ қарорлар қабул қилинди.

Шу даврда «Пандемиядан кейин «яшил» ва инклюзив иқтисодиётни ривожлантириш учун барқарор транспорт ва савдо» мавзига бағишланган СПЕКА иқтисодий форуми ҳам бўлиб ўтди.

Иқтисодий форум якунлари юзасидан пандемиядан кейинги экологик, кўп қиррали ва инклюзив иқтисодиётни тиклаш учун транспорт, савдо ва алоқа барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича Тошкент баёноти қабул қилинди. СПЕКА

субминтақасининг иқтисодий ўзаро боғлиқлигини ошириш, уни барқарор транспорт тизимининг маркази сифатида ташкил этиш учун шароит яратиш, минтақа ичидаги савдо тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш ва

дилар. Учрашув якуни бўйича Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақасида мавжуд ҳамда янги транспорт йўлақларини ривожлантириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида Транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва СПЕКАга аъзо давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга ошиб, 9,2 миллиард долларга етди. Ўзбекистонда минтақа ҳудудида фаолият юритаётган компаниялар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарнинг сони 2017 йилдан буён беш баробарга кўпайиб, 2212 тага етди.

БРМга эришишни жадаллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

2022 йил 26-27 октябрь кунлари Тошкентда Транспорт ва логистика алоқасини ривожлантириш бўйича СПЕКА ишчи гуруҳининг 27-йиғилиши бўлиб ўтди. Иштирокчилар СПЕКАга аъзо давлатларнинг ташиқ савдо, транспорт ва транзит соҳасидаги халқаро конвенция ҳамда битимларга қўшилиши масаласини муҳокама қил-

минтақавий марказини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Хозирги вақтда дастурда қатнашувчи давлатлар СПЕКА Котибиятини тузиш, шунингдек, БМТнинг Кўп шериклик траст фондлари асосида СПЕКА жамғармасини яратиш бўйича ишларни давом эттирмоқдалар.

Айтиш жоизки, 2023 йил апрель ойида Женевада бўлиб ўтган СПЕКА вазирлар учрашувида Қўшма баёнот

қабул қилинди, унга биноан Мақсадли жамғармани ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Минтақа мамлакатлари ўртасидаги мустақам алоқалар, иштирокчи мамлакатлар халқларининг аънавалари, урф-одат ва маданий қадриятлари яқинлиги Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги фаол ташкил иқтисодий сиёсати билан биргаликда савдо-иқтисодий ва сармовайий ҳамкорликни ривожлантириш нуктаи назаридан салмоқли натижаларни берди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва СПЕКАга аъзо давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга ошиб, 9,2 миллиард долларга етди. Ўзбекистонда минтақа ҳудудида фаолият юритаётган компаниялар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарнинг сони 2017 йилдан буён беш баробарга кўпайиб, 2212 тага етди.

Минтақа мамлакатларининг савдо-иқтисодий салоҳияти, салмоқли табиий ва инсон ресурслари, қулай географик жойлашуви ҳисобга олинган ҳолда ушбу салоҳиятни рўёбга чиқаришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Булар рақобатдош устуликлардан фойдаланган ҳолда ўзаро савдонини мустаҳкамлаш ва кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мавжуд сав-

Жаҳон чемпионати



ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН, БАЛКИ ОСИЁ ШАРАФИНИ ҲАМ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ

Шу кунларда Индонезияда футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Халқаро футбол федерацияси (FIFA) тақвимидан ўрин олган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Дунё биринчилигининг «В» гуруҳидан жой олган вакилларимиз дастлабки турда Малига 0:3 ҳисобида имкониятни бой берганди. Иккинчи турда эса Жамолдин Раҳматуллаев шогирдлари Канадани 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учрашувда Амирбек Саидов рақиб дарвозасига икки гол киритган бўлса, яна бир гол рақиб ҳимоячиси Ричард Чукву номига ёзилди. Учинчи турда эса вакилларимиз испаниялик тенгқурлари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. Ушбу баҳсда Бехруз Шукруллаев ва Амирбек Саидов гол муаллифи бўлди.

Гуруҳ босқинчида тўрт очко жамгарган футболчиларимиз нимчорак финалда Англиядан келган тенгдошларига қарши беллашди. Мазкур учрашувни кўтаринки руҳда бошлаган футболчиларимиз тўртинчи дақиқадаёқ ҳисобни очтирди. Бу сафар ҳам ҳужумчимиз Амирбек Саидов рақиб дарвозасига гол киритишнинг удрасидан чиқди. Уйиннинг 34-дақиқасида рақиб жамоа аъзоси Жоэл Ндала дарвозабонимиз билан бирга-бир вазиятдан самарали фойдаланди. Учрашувнинг 65-дақиқасида рақиб жамоа дарвозаси яқинида жарима зарбаси белгиланди. Уни футболчимиз Лазизбек Мирзаев заргарона амалга ошириб, жамоамизни олдинга олиб чиқди — 2:1. Ушбу ҳисоб учрашув якунига қадар ўзгармай қолди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг чорак финалига йўл олди. Ушбу босқинда вакилларимиз франциялик тенгқурларига қарши

баҳс олиб боришади. Учрашув 25 ноябрь кунини Тошкент вақти билан 13:30 да бошланади.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон Осиё китъаси жамоалари орасида чорак финалга чиққан ягона жамоа бўлди. Нимчорак финалга қадар етиб келган китъадошларимиздан Япония Испанияга 1:2 ҳисобида, Эрон эса Мароккага 1:4 ҳисобида имкониятни бой берди.

Нимчорак финалнинг қолган учрашувларида қайд этилган натижалар билан танишинг: Эквадор — Бразилия 1:3, Германия — АКШ 3:2, Мали — Мексика 5:0, Аргентина — Венесуэла 5:0, Франция — Сенегал 0:0 (5:3).

Чорак финалнинг қолган жуфтликлари эса қуйидагича кўриниш олди: Испания — Германия, Бразилия — Аргентина, Мали — Мароккаш. Чорак финал беллашувлари 24-25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Яна бир эътиборли жиҳати, уч учрашувда рақиблар дарвозасига тўртта гол киритган терма жамоамиз ҳужумчиси Амирбек Саидов мусобақа тўпурақлари рўйхатида етакчилардан бири бўлиб турибди. Бу рўйхатда аргентиналик Агустин Фабиан Руберто 5 та гол билан пешқадам.

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Озарбайжонда ўзбек миллий ошхонаси ҳафталиги ўтказилди.



Боку шаҳридаги «PLOVE» ресторанида Ўзбекистон мустақиллигининг 32 йиллиги ва Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан «Facebook» ижтимоий тармоғида 25 октябрдан 3 ноябргача ўтказилган «Озарбайжонда ўзбек миллий ошхонаси ҳафталиги» (Uzbek Food Week) фестивалининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда фестиваль доирасида уюштирилган ўзбек таомлари танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тантанали маросими ўтказилди. Унда Озарбайжон зиёлилари, оммавий ахборот воситалари, блогерлар ва медиа соҳаси, дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошлар иштирок этди.

«Озарбайжонда ўзбек ошхонаси ҳафталиги» Ўзбекистон элчихонаси томонидан мамлакатимизнинг бой маданий мероси ва гастрономия туризмининг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилди. Онлайн танлов «Туризм ва миллий таомлар ривожини қўллаб-қувватлаш» уюмчаси ва «Facebook»даги «Azegri Home Chef» гуруҳи маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фестиваль бош хомийси «Fly Khiva» авиакомпанияси танлов ғолибларига Боку — Тошкент — Боку ва Боку — Самарқанд — Боку йўналишларига авиачипталарни тақдим қилди.

Онлайн танловнинг биринчи босқичи иштирокчилари ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, аънавалари, турмуш тарзи ва менталитетининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан

ҳолда таомларимизни тайёрлашди ва уларни «Facebook» ижтимоий тармоғи орқали эълон қилиб борди. Биринчи босқичда омма эътиборига 527 та сурат ва видеоматериал ҳавола этилди. Энг оммабоп маълумотлар ўзбек ошхонасининг машҳур — ош, сомса, шивит оши, чалоп, лағмон, шўрва, ҳол-вайтар, манти, гулхоним ва бошқа таомлари ҳақида бўлди.

Ошпазлар ишини баҳолаш учун нуфузли ҳакамлар ҳайъати таркиби тасдиқланди. Унга профессионал ошпазлар, таниқли блогерлар ва элчихона дипломатлари киритилди.

Ҳакамлар якуний босқичга йўл олган 25 нафар энг фаол ва маҳоратли иштирокчиларни саралаб олишди. Финал босқичи қатнашчилари ҳакамлар ҳайъати кўз ўнгида ўзбек миллий таомларини тайёрлашди. Намойиш қилинган ишлар орасидан энг чиройли безатилган ва тўғри тайёрланган 5 та ўзбек миллий таоми танлаб олинди. Финал босқичига етиб келганлар, шунингдек, ўчоқда ош пишириш бўйича ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиш-

ди. Шу билан бирга, Ўзбекистонга саёҳат қилиш учун бериладиган авиачипталар учун ўзаро курашди.

Тадбир доирасида ўзбек таомлари кўргазмаси уюштирилди. Унда «Озарбайжонда ўзбек ошхонаси ҳафталиги» фестивалининг якуний босқичига етиб келган иштирокчилар томонидан тайёрланган 50 га яқин ўзбек таомлари намойиш этилди. Бундан ташқари, дипломатик миссия вакиллари томонидан алоҳида ўзбек миллий палови тайёрланди ва қатнашчиларга улашилди.

Фестиваль меҳмонлари ва иштирокчилари олдида сўзга чиққан мамлакатимиз дипломатлари ўзбек ошхонасини хуш кўрадиган ва муҳлислари ўртасида ошпазлик танловини ўтказиш яхши аънамага айланаб бораётганини таъкидладилар. Танлов доирасида чоп этилган мақолалар Озарбайжонда ўзбек маданияти, хусусан, пандачилик санъати кенг оммалашганини яна бир қарра тасдиқлади. Шу ўринда айтиш керакки, ушбу танлов кўп асрлик ҳамкорлик тарихига эга бўлган, муштарак миллий аънавалар, дин, тил ва маданиятга асосланган ўзбек

ва озар халқлари ўртасидаги яқин қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Тадбир давомида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти, қадимий, ўзига хос ва бой маданиятининг ноёб дурдона асарлари ўрин олган кўргазма ташкил этилди. Кўргазмадан Ўзбекистон «Хунарманд» уюшмаси аъзолари томонидан тайёрланган кулолчилик, зардўзлик ва бошқа маҳсулотлар ўрин олди. Бундан ташқари, тадбир саҳнасида ўзбек миллий қўшиқлари ва рақслардан тузилган маданий дастур қатнашчилар эътиборига тақдим этилди.

Фестиваль меҳмонлари ўзбек ошхонасининг бой аънавалари, Ўзбекистон гастрономик туризмнинг улкан салоҳияти, сайёҳлик инфратузилмаси ва диққатга сазовор жойларининг ўзига хослиги ҳақида илиқ фикрларни билдиришди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу тадбир Озарбайжон оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди ва кенг ёритилди.

«Дунё» АА. Боку

Чумоқчалар қийинчиликлардан қутулишди

Фаргона вилоятининг гўзал ва бетакрор табиати билан машҳур, қўшни мамлакат ҳудудидан ўтиб борилувчи олис Сўх туманида бугун 80 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Шу боис сўхликларнинг тинч ва фаровон умрғузарилик қилиши давлатимизнинг доимий эътиборида. Айни пайтда туманда кўп йиллар давомида йилгил қолган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш, 27 та МФЙда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга

ошириш, қишлоқ ҳўжалиги, саннат ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга жиддий аҳамият қаратишмоқда.

Ҳаётбахш дастур доирасида жорий йилда тумanning «Чумоқча» МФЙ ҳудудида кенг қўламли ишлар олиб борилиб, маҳалла аҳли турмуш шароити

яхшилаш бўйича қувонарли ютуқларга эришилди. Хусусан, паст қувчалниши электр тармоқлари янги сисга алмаштирилди. Шу мақсадда маҳалланинг ички кўчаларига 150 та бетон таянч устуни ўрнатилди.

Қарийб 3 км.га янги электр узатиш тармоғи тортиш ишлари режалаштирилди. Бундан ташқари, маҳалладаги мавжуд трансформаторлар юқини қаламайтириш учун 1 та янги трансформатор пункти ташкил этилди. Натижада 300 га яқин

хонадонларнинг электр таъминоти яхшиланди.

— Гапнинг очиги, совуқ кунлар бошланганидан қиш мавсумида чирок ўчишидан безиллаб қолган эдик, — дейди 75 ёшли меҳнат фахрийси Ҳамалбой Очилдиев. — Бу каби муаммоларни ҳал қилса бўларкан-ку! Йилдан-йилга маҳалламиз оқиб бўлиб, сув, йўл, газ, электр билан боғлиқ барча масала ижобий ҳал этиляпти. Кўндал ишлар олиб борилиб, бундан беҳад мамнунмиз.

«Халқ сўзи».

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.



Таҳририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди. Газетанинг мазлиф берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.